

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИНИНГ ЖОНЛИ СЎЗЛАШУВ НУТҚИДА МУРОЖААТ ШАКЛЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Аликулова Мадина Шавкат кизи

ЎзДЖТУ Лингвистика (инглиз тили) йўналиши 2-курс магистранти

Хадича Собировна Мухитдинова

Педагогика фанлари доктори, профессор

ЎзДЖТУ умумий тилшунослик кафедраси

Аннотация: Мақолада жонди сўзлашув услубининг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари ва ушбу хусусиятларнинг жонли нутқда қўлланиладиган мурожаат шаклларида акс этиши ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шу билан бирга мақола жонли мулоқотдаги мулоқотда мурожат шакллари қандай услубий вазиваларни бажариши ҳақида ҳам маълумот беради.

Калит сўзлар: Жонли мулоқот, эмотционалик, образлилик, нутқий этикет, тил меъёрлари, Формановская формулалар

Маълумки, тилнинг жонли сўзлашув услубида адабий тил меъёрларига тўлиқ риоя қилинмайди. Бунга сабаб унинг ишлаш нормалари ва қоидалари турли луғатлар ва грамматикаларда белгиланмаганлигидир ва оғзаки нутқ жараёнини назорат қилишнинг имкони йуқ. Жонли мулоқотда сўз ва ибораларни танлаш эркин бўлиб одатда, муаллифнинг нутқ мавзусига ва суҳбатдошига муносабатидан келиб чиқади¹⁵. Шунингдек, сўзлашув нутқида имо-ишора ва мимика ҳам муҳим ўрин тутади. Ушбу нутқ услуби кундалик турмуш вазиятларида, оилавий вазиятларда, норасмий йиг'илишларда, юбилейларда, байрамларда, дўстона зиёфатларда, турли норасмий учрашувларда кенг қўлланилади. Жоли сўзлашув нутқида от ва сифатларнинг салмоғининг камайиши олмошларнинг эса кенг қўлланилиши, тавтологиялар, тухтамлар билан тавсифланади. Нутқнинг бу тури чексиз, лекин инсон бир вақтнинг ўзида ҳам ўйлаш ҳам гапиришга мажбур бўлганлиги сабабли, у керакли сўзни кидириб тўхтаб қолади.

Грамматик жихатдан ўрганадиган бўлсак, жонли сўзлашув нутқида кесим ва бошқа иккинчи даражакли бўлақларнинг гапдаги тартибига деярли аҳамият берилмайди. Ҳаттоки, маданиятли кишилар, тил мутахассисларининг нутқида ҳам грамматик меъёрларнинг бузилиши

¹⁵ Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик литцей ўқувчилари учун дарслик. Тошкент- “Талкин” -2005, 6 213

кузатилади. Сўз бирикмаларини талаффуз қилишдан олдин уларни ўйлаб кўришнинг иложи йўқлиги батафсил ва мураккаб гапларни сўзлашув нутқида кенг қўллашни қийинлаштиради. Мураккаб тузилган жумлалар сўзлашув нутқи меъёрларини бузади, уни биров сун'ий қилади. Сухбат услуби нутқнинг эмотсионаллиги, образлилиги, конкретлиги, соддалиги билан ажралиб туради. Мисол учун овқатланиш жойида **"Илтимос, иккита қаҳва"** дейиш (гарчи синтактик жиҳатдан тўлиқ қурилмаган бўлса ҳам) одатий ҳол ҳисобланади ва сўзлашув услубининг меъёрига тўла - тўқис мос келади.

Бу нутқ муҳити ҳиссий сўзлар ва ибораларни танлашда кўпроқ эркинликка эгадир. Масалан: **Аҳмоқ, жинни, билимдон, ақлли** каби сўзлар билан мурожаат қилиш ёшлар орасида кенг тарқалган бўлиб, эмотсионал-экспрессивлик хусусиятларига эга. Паузаларнинг куплиги, ҳис хаяжонлар ундовларнинг кўп қулланилиши талаффуз айниқса мурожаат шакллариининг қўланилишида кўринади. Хусусан, мурожаат шаклларида ифода мақсадидан келиб чиқиб оҳангнинг ўзгариши, товушларнинг чўзилиши, иккилантирилиши каби ҳолатларни кузатиш мумкин. Бунда нутқий вазият катта аҳамият касб этади.

Сўзлашув услубида мурожаат шакллариининг барча турларини учратиш мумкин. Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, адабий ва оддий сўзлашув услублари мавжуд бўлиб, адабий сўзлашув услубидаги мурожаатлар нутқ меъёрларига тўла амал қилинган ҳолатда бўлади. Масалан, оила аъзоларга **дадажон, ойижон, ака, ука, опа, синглим, ўғлим, қизим қариндошларга амаки, тоға, амма, хола, жиян** каби қариндошлик маъносини англатувчи сўзлардан мурожаат шакллари сифатида фойдаланилади.

Ўзбек маданиятида ўзидан катта бўлган оила аъзосига исмини ҳам айтиб мурожаат қилинади. Масалан: **Улугбек ака, Азиза опа** каби

Инглиз тилида эса ота онага **дад, мум даддй, муммй** каби сўзлар орқали мурожаат қилинса, бошқа оила аъзолари ва қариндошларга асосан исми билан мурожаат қилинади.

Ўзбек тилида бегоналарга мурожаат қилишда ҳам оила аъзолари ва қариндошликни ифодовчи сўзлардан фойдаланилади, бу таркибга кирувчи сўзлар одатда тингловчининг ёши ва ижтимоий ҳолатини инобатга олган ҳолда танланади. Буни куйидаги жадвалда куришимиз мумкин:

Ўзбек тилида сузлашув услубида қулланиладиган мурожаат шакллари

Кекса инсонларга	Катта ёшлиларга	Ўзидан катталарга	Ўзидан кичикларга
Буви	амаки	Ака	ўғлим
Бобо	хола	Опа	қизим
Отахон	Келинойи		болам

	(кенной)		
Онахон			СИНГЛИМ

Бегоналарга бу тарзда мурожаат қилиниши ўзбек маданиятида оила тушунчаси нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Инглиз тилининг сўзлашув услубиятида эса бегоналарга “*Сир*”, “*Ладй*”, “*Мадам*”, “*Мисс*”, “*Миссис*”, “*Мистер*”, “*Гентлеман*” сўзлари орқали мурожаат қилинади.

Бу каби мурожаат шакллари инглиз халқини нутқнинг хурмат ва муомалалилик нормаларига қатъий амал қилишини кўрсатади. Инглиз нутқий этикетининг ўзига хос хусусиятиларидан яна бири – уларнинг саломлашиш учун сўз танлаши. *Hallo, how are you?, How are you doing?, How are things?, What’s up?* каби аниқлаштирувчи саволлар кенг тарқалган саломлашиш турларидир. Ушбу бирикмаларнинг саволомуз шакли нутқий этикетни билмайдиган мулоқотчида савол мазмунига доир хато фикрга олиб келиши мумкин. Мулоқотга киришаётган шахс савол мазмунига чуқур киришишни назарда тутмайди, муайян жавоб даражасига эга бўлган мулоқот нутқий этикет таркибини ташкил этади¹⁶.

Ўзбек тилида кундалик мулоқотда ишлатиладиган нутқий этикет шакллари: “*Қалайсиз? (Аҳволингиз қандай?)*”, “*Нима қиляпсиз?*”, “*Олиб ўтиринг*”, “*Турмушга чиққанмисиз?! Оилалимисиз?*”, “*Неча ёшдасиз?*”, “*Фарзандларингиз борми?*”, “*Қанча ойлик оласиз?*” каби одатий саволлар инглиз нутқий этикетига хурматсизликни ифодаловчи шахсий савол ёки аксинча, айрим хорижликларнинг ўзбеклар томонидан айтиладиган мактовни инкор қилавериши. Масалан, “*Кўринишингиз жуда яхши*”, “*Бугун очилиб кетибсиз*”, “*Овозингиз жуда ёқимли*”, “*Инглиз тилида жуда яхши гапирар экансиз*”, “*Кийимингиз жуда чиройли*” каби хушомад ёки мактовларга хорижликлар томонидан “*Қўйсангиз-чи?*”, “*Унчаликмас-ку*”, “*Йўғ-е, нималар деяпсиз!*”, “*Ундай ҳолатнинг ўзи йўғ*” каби мактовни инкор қилувчи жавоблар бериши ҳар доим ҳам “жуда камтар экан” деган тассавурни эмас, “бунча ўзини пастга уради”, “менинг фикримни нотўғрига чиқармоқда” (Ўта камтарлик – манманлик) деган ўй бўлиши иккала тилни чоғиштириш орқали аниқланади¹⁷.

Демак, нутқий этикет мулоқот тизимини мувофиқлаштиради, нутқда миллий маданиятни юзага чиқаради. Нутқий этикет биринчидан, хушмуомалалик тамойилларини ташкил қилади, иккинчидан, кундалик

¹⁶ Қодирова М.Т. Турли тизимли тилларда мурожаатнинг коммуникатив прагматик аспекти:Фило.фан.номз...дисс.-Термиз,2021.-55 б

¹⁷ Қодирова М.Т. Турли тизимли тилларда мурожаатнинг коммуникатив прагматик аспекти:Фило.фан.номз...дисс.-Термиз,2021.-56 б

мулоқотнинг турли вазиятини ижтимоий бошқаришга асос бўлади. Юқорида зикр этилган фикрлардан келиб чиқиб, маданият, этикет, нутқ этикети ва хушмуомалалик ўртасидаги муносабатни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Сухбат услубининг шаклланишини белгиловчи асосий хусусиятлар қуйидагилардир: қулайлик, тезкорлик ва тайёр эмаслик. Нутқни жўнатувчи ҳам, уни қабул қилувчи ҳам сухбатда бевосита иштирок этади, кўпинча ролларни о'згартиради, улар ўртасидаги муносабатлар нутқ актининг ўзида ўрнатилади. Бундай нутқни олдиндан кўриб чиқиш мумкин эмас, мурожаат қилувчи ва қабул қилувчининг бевосита иштироки унинг асосан диалогик характерини белгилайди, гарчи монолог бўлса ҳам.

Жонли сўзлашув нутқининг мавзулари мулоқот эҳтиёжлари билан белгиланади. Улар кундалик мавзулардан тортиб профессионал, саноат, ахлоқий, фалсафий ва бошқаларга қадар фарқланиши мумкин. Сўзлашув услубида нутқ этикети иборалайдан ҳам мурожаат маъносида фойдаланиш кузатилади. Масалан:

Ўзбек тилида: илтимос, кечирасиз, марҳамат, шошманг, тухтанг

Инглиз тилида: please, excuse me, here you are, wait and so on

Маълумки, мулоқот жараёнида сўзловчи тингловчинига коммуникатив таъсир утказиши мумкин бўлади. Бунда сўзловчи қўллаётган сўзларининг мақсади, мазмунини ўрганиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Олим Н.И.Формановская нутқий фаолиятни қуйидагича изоҳлаган.

ким – кимга – нима ҳақида – қаерда – қачон – нима сабабдан – нима мақсадда¹⁸

Ушбу формула бўйича қуйидаги гапларни таҳлил қиламиз

Ўзбек тилида: Айтингчи, **гражданин уртоқ комиссар** сизнинг тахминингизча, марҳум Шоматов билаизнинг тахминингизча, марҳум Шоматов билан руй берган ҳодисада қайси тахмин ҳақиқатга яқинроқ туради: котилликми, бахтсиз ҳодисами ё ўз жонига қасд қилишми? (Ў.Ҳошимов Тушда кечган умрлар)

Инглиз тилида: Good night, uncle. Hey! You have been gadding abroad all day - visiting, dining out and what not (Ch.Bronte. Shirley)

Формановская формулалари	Ўзбек тилидаги мисол	Инглиз тилидаги мисол
Ким-кимга	Терговчи – гувоҳга	Жиян тоғага
Нима ҳақида	Жиноят ҳақида	Сухбатдош(жиян)нинг хулқ-атвори ҳақида
Қаерда	Тергов хузурида	Тоға хузурида
Қачон	Тергов вақтида	Жиян-тоға сухбати чоғида
Нима сабабдан	Сухбатдошнинг жиноят	Кеч ташириф буюрганлиги

¹⁸Формановская Н.И. Употребление русского речевого этикета. – Москва: Русский язык, 1984. – С.32.

	хақида билмаслигини сабабидан	билиш аниқлаш	–	сабабли
Нима мақсадда	Сухбатдош жиноятчи маълумот мақсадида	орқали хақида туплаш		Маълумот олиш мақсадида

Кўринадикки, мурожаат шаклларида прагматик функция мавжуд. Шу сабабдан ҳам М.Т.Қодирова мурожаат шакллари прагматик жиҳатдан ёрқинлаштирилган сўзлар деб таърифлайди.¹⁹

Мурожаат шакллари нутқий актдаги вазифалари чегарасиз дейиш мумкин. Мурожаат бирликлари воситасида турли нутқий вазиятни ифодалаш мумкин бўлади. Мурожаатларнинг коммуникатив - прагматик хусусияти шуни англатадики, мурожаат нутқий акт сифатида адресатнинг мақсадида йуналтирилиши мумкин бўлади яъни сўзловчи нафақат тингловчининг диққатини жалб қилиш балки адресантга таъсир этиш воситаси сифатида ҳам фойдаланиши кузатилади.

Инглиз ва ўзбек тилларида ҳам мурожаат шакллари нутқ актида турли функцияларни бажаришини кузатиш мумкин. Масалан:

Хурмат ёки илтифот кўрсатишда: **Эй мухтарам домла!...** – деди ва четланиб йул берди (Абдулла Қахҳор.Сароб)

My dear sir, do not make a stranger of me (Jane Austen. Emma)

Эркалаш вазиятида: **Раънохонов... , Вой айланай! Энахон! Жоним уртоғим! Бормисиз** – деб паранжисини қўлига олиб йугурди (Чулпон. Кеча ва кундуз) **Oh, but I do love you, baby boy!** (Th.Dreiser. American Tragedy)

Дўқ- пўписа ва ҳақортлаш вазиятида: **Раъно!!** Орқамизда Москва турганини унутдингми, **илонвачча!** – деди Соат ғазаб билан. Шахсан уртоқ Сталиннинг узи Кремлдан жилмай ўтирибди, сенинг жонинг ширинлик қилиб қолдимми (**О'. Hoshimov. Tushda kechgan umrlar**) **Go to the devil, you old hag,** he half muttered as he stared round upon the scattered company (Th. Dreiser. Sister Carrie)

Чақириқ вазиятида: **Ҳой, овсинлару! Ҳой қурғон устидаги азаматлар!** Ҳозир булингиз, асов тортингиз, бек келадилар! (А.Қодирий Ўткан Кунлар)

She cried out from the top of the room: - **Monitors,** collect the books and put them away. (Ch. Bronte. Jane Eyre)

¹⁹ Қодирова М.Т. Турли тизимли тилларда мурожаатнинг коммуникатив прагматик аспекти: Фило.фан.номз...дисс.-Термиз, 2021.-35 б

Тўхтатиш вазиятида: **Хай-хай-хай!** Бу шаштингдан қайт, **болам**, шайтонга хай бер! **Эй, такси, эй!**, **Shoshmang –dedi u baqirib. To'xtadim (O'. Hoshimov. Tushda kechgan umrlar)**

Hey, you, stop here. You are not allowed to enter here.

Хол ахвол сўраш маъноси: **Хў- ўш, коллега**, ишлар қалай? – Саломатмисиз, **ўртоқ Комиссар?** Марҳамат! (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар)

-Why, how are you, **Carrie?** He said (Th. Dreiser. Sister Carry)

Кўринадики, мурожаатлар ҳам сўзлашувнинг адабий ва оддий турларига мослашади. Оддий сўзлашув услубидаги мурожаатларда адабий тил меъёрларига тўла риоя этилса, (масалан **Азиза опа, Нилуфар янга, доктор, ойижон** каби) оддий сўзлашув услубида мурожаатларнинг кўлланилишида катта эркинлик бўлади ва бунда шевага оид сўзлар, слогон ва жаргонлардан кенг кўлланиши, мурожаат сўзларидаги товушларнинг орттирилиши, тушириб йуборилиши, урғу берилишини кузатиш мумкин бўлади. (**Ра-нооо, пахан, дугоч, Нилуш, ўртоо, дўси** каби) Бунга сабаб оддий сўзлашув услубининг кодланмаган нутқ эканлиги, режалаштирилмасдан нутқда содир бўлишидир. Шу билан бирга, йукорида бадий асарлардан келтирилган мисоллар мурожаатларнинг сўлашув услубида чегаразис прагматик ва услубий функцияларни бажаришини далиллайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик литцей ўқувчилари учун дарслик. Тошкент- “ Талкин “ -2005.- 213 б
2. Формановская Н.И. Употребление русского речевого этикета. – Москва: Русский язык, 1984. – С.32.
3. Қодирова М.Т. Турли тизимли тилларда мурожаатнинг коммуникатив прагматик аспекти:Фило.фан.номз...дисс.-Термиз,2021.-55 б
4. Абдулла Қаҳҳор. Сароб А. Асарлар: 5 жилдлик. 1-жилд: Сароб: Роман. Ҳикоялар — Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
5. Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар – Тошкент: Шарқ, 2014. – 400 б.
- 6.Ўткир Ҳошимов. Тушда кечган умрлар –Тошкент: Илм –зиё – заковат,2019.- 36 б
7. Чулпон. Кеча ва кундуз— Тошкент: Гофур Фулом, 2016. — 352 б.
8. Jane Austen. Emma— – England: Surrey, 2003. – 474 p.
9. Ch.Bronte. Shirley - UK: Kindle education, 2020. – 520 p.

10.

Th.Dreiser.

American

Tragedy

<https://www.penguinrandomhouse.com/books/671063/an-american-tragedy-by-theodore-dreiser/>

11. Th. Dreiser. Sister Carrie – USA: Public domain, 1995. – 644 p.